

МУҲИМ ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИ ЭШИТИЛДИ

Халқ депутатла-ри туман Кенгаши-нинг навбатдаги VII- сессияси-да иштирок этган депутатлар ва айрим туманимиздаги кор-хона, ташкилот, муассаса раҳ-барлари белгиланган саккизта масалани ўзаро муҳокама қилиб, қарорларни бир овоз-дан маъқулладилар.

Айниқса, Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгашининг 2025 йил 28 февралдаги “2025 йилда Бойсун туманида “Зарбдор” таж-рибаси асосида саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишларида тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандли-гини таъминлашга туртки берув-чи лойиҳалар ишлаб чиқариши ҳамда тумани комплекс ижтимо-ий-иқтисодий ривожлантириш да-стури тўғрисида”ги VII-6-26-8-110-К/25-сонли қарорига ўзгартириш қиритиш тўғрисида”, туман тибби-ёт бирлашмаси бошлигининг

СЕССИЯ

“2024” йил якунига кўра туманда соғлиқ-ни сақлашни ривожлантиришга оид давлат дастурининг бажари-лиши, касалликлар профилак-тисининг ҳолати, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш, шунингдек, со-ғлиқни сақлашнинг асосий кўрсат-кичлари” юзасидан ҳисоботи; ту-манда 2025 йилнинг 1-мавсуми-да жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали-да туман бўйича энг кўп овоз тўплаган лойиҳаларни қолиб деб топиш ва молиялаштириш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлаш тўғрисидаги туман Кенгаши раи-си, туман ҳокими Б.Шукуров, тум-а тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ва-зифасини бажарувчи Б.Нормам-тов, туман молия бўлими бошлиғи ўринбосари Ш.Тўраевларнинг ҳисоботлари ва бошқа масалалар юзасидан депутатлар кизғин му-ҳокамага киришдилар.

Хусусан, Бекмурод Ҳайитов, Файзиддин Тур-сункулов, Хумойиддин Ал-ланов, Фахриддин Бобомуродов ўзларини қизиқтирган масалалар, жойларда юзага келган муаммо-ларни бартараф этиш тўғрисида-ги фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Сессияда муҳокама қилинган ва аввалдан кенгашда кўрилган бошқа масалалар юзасидан ҳам қарор қабул қилинди. Шунингдек, депутатлик одоби, сессияда ўз вақтида қатнашиш борасидаги кундалик масала юзасидан туман ҳокими Б.Шукуров тўхталар экан, хусусан, сессияда депутатлардан беш нафари, жумладан сессияга таклиф этилган корхона, ташки-лот раҳбарларининг айримлари узрли ва сабабсиз тарзда ишти-рок этмаётганлигини баён этиб, бундан кейинги сессияларда уларнинг тўлиқ иштирокини таъ-минлаш юзасидан масъулларга топшириқ бериб ўтди.

П. НАЗАРОВ.

ҳазрат Навоий ўзининг форсийда битган бир ғаза-лида бу икки миллатни кўзу киприкка қиёслайди:

**Ангор турку тожикма, қунад сад хона вайрона,
Ба-дон мижғони тожикмо наву ҷашмони туркона.**

Муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат ва-киллари ўртасидаги биродарлик ришталарини яна-да мустаҳкамлаш, уларнинг тили, урф-одатлари ва

МАҚСАДИМИЗ – ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ

миллий қадриятларини сақлаб қолишга қаратилган оқилона сиёсатлари туфайли кейинги йилларда мил-латлараро тотувлик, кўни-кўшничлик, айниқса, кўшни-ҳамсоя давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни яхшилашда янги имкониятлар очилди. Жумладан, туманимиз тарихида илк маротаба тожик миллий маърифат ва санъат марказининг ташкил этилгани мазкур оқилона сиёсат туфайлидир.

(Давоми 2-бетда)

Мақтабимиз тумандаги энг кўп ўқувчилар таълим олади-ган мактанлардан бири.

Мақтаб маъмурияти ва устоз-ларимизнинг саъй-ҳаракатлари ва машаққатли меҳнатлари боис мактаб жамоаси таълим соҳаси-нинг деярли барча йўналишла-рида узлуксиз яхши натижалар-га эришиб келмоқда. Фақат бир муаммо — бугунгача ўзимизнинг очик замонавий спорт майдони-ми йўқлиги кўнгилмизни хира қилиб, эришаётган натижалари-мизга ярашмай турганди. Ўтган йилда таълим масканимиз ди-ректори, туман Кенгаши депута-ти С.Баҳовуддинов бошчилигида ўқитувчи-устозлар жамоаси та-шаббуси билан “Очиқ бюджет” лойиҳасида иштирок этиб, муам-мони бартараф этишга киришил-гач, ушбу таклиф ва ташаббус ота-оналар, қолаверса, бутун ма-ҳалламиз фаоллари томонидан қўллаб-қувватланиб, биз талаба-ларни ҳам қувонтирганди.

Дарҳақиқат, бугун “Очиқ бю-джет” лойиҳаси мамлакатимиз-нинг энг олис ҳудудлари, ҳатто қишлоқ-овулларида ҳам ижтимо-ий муаммоларга аҳоли иштиро-ки ва ташаббуси асосида ечим топиш, маҳаллий бюджет мабла-ларидан оқилона фойдаланган

ҳолда ҳудуд-лардаги инф-ратузилмалар-ни яхшилаш учун энг мақбул у-су-л-л-а-р-д-а бири сифатида эътироф этил-моқда. Жойлар-да таълим мас-канларининг моддий-техник базасини анги-лаш, қишлоқ-ларда тиббий хизмат сифати-ни юксалтириш, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви, табиий газ ва электр таъмино-ти тизими ту-дан яхшилан-моқда.

Муҳими, та-шаббусли овоз бериш аҳоли орасида ўз ҳудудларидаги ижтимоий муаммо-ларни бартараф этишда аввал-уларнинг ўзида қизиқиш ва масъ-улият пайдо бўлишига туртки бе-ряпти.

Биз ўқувчи-ёшлар ҳам куни-

ТАБИАТНИ, АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ўтган бир ҳафталик оммавий халқ ҳашари ҳақида фикрлар, натижалар ва хулосалар

Атроф-муҳитни асраш, шубҳасиз, XXI асрнинг энг гло-бал муаммоларидан бири. Бугун инсоният табиатга, она заминга йиллар давомида етказган мислсиз жароҳатлари эвазига улкан муаммолар гирдобига тушиб қолган.

Миллионлаб йиллар сайёраимиздаги ҳаётни, биологик хилма-хил-лиқни яратиб келган табиий жа-раёнларнинг деярли барча кўри-нишлари чок-чокидан сўқилиб, парокандаликка юз тутмоқда. Иқлим ўзгаришлари, айниқса, кейинги ўзи йилликда табиатшу-нос олимлар белгилаб берган энг охириги хавотирли “қизил чизик”-дан ҳам аллақачон ўтиб бўлган. Сув, тупроқ, атмосфера таркиби захарли моддалар туфайли йил-дан-йил яроқсиз ва инсон ҳаёти учун хатарли тус олмоқда.

Она замин улкан қичқинди-хонага айлангандек гўё...

Ўзбекистон ҳам бу офатлар-дан холи эмас, аксинча, эколо-гик муаммолар энг кўп таъсир

кўрсатаётган мамлакатлардан бири сифатида аллақачон “қизил” ҳудудлар рўйхатига киритилган. Бундай вазиятда, шубҳасиз, эколо-гик барқарорлик учун кураш нафақат давлат раҳбари ёҳуд ҳукума-тининг, балки ҳар бир фуқаронинг вазифаси, бурчи бўлиши кераклиги-ни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Экологик вазиятни барқарорлашти-

риш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳ-тарам Президентимиз томонидан давлат да-ражасидаги вазифа қилиб белгилангани, ҳатто жорий йил ном-ланиши ҳам бевосита атроф-муҳит муҳофа-заси билан боғлиқ эканлигининг ўзи мам-лакатимиздаги эколо-гик вазиятнинг умумий қўлами ҳақида тасав-вур беради кишида.

Апрель ойининг би-ринчи ўн кунлиги да-вомида туманимизда

БОЙСУНТОҒДАН ТАРАЛАЁТГАН ЭИЁ

Оммавий ахборот ва тарғи-ботнинг асосий воситаларидан бири бўлган газета, шубҳасиз, инсоният яратган буюк каш-фиётдир. Жамиятнинг ахбо-ротга бўлган эҳтиёжини қон-диришда, халқни маънавият-ли, маърифатли қилишда, ўз ўқувчиларида кундалик тур-муш воқеаларига нисбатан маълум бир муносабат ва та-саввурни шакллантиришда унинг ўрни салмоқли.

Нафақат марказий шаҳарлар-да, балки олис ва чекка тоғ қиш-лоқларида яшаб, меҳнат қилаёт-ган аҳолини бугунги тезкор ке-чаётган даврда рўй бераётган ян-гиликлар билан таништириш, за-мон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишида оммавий ах-борот воситаларининг, хусусан, матбуот нашрларининг роли бе-киёсдир. Буни азалдан этногра-фик макон, халқ хунармандчили-гининг бешикларидан бири бўлган Бойсун туманида узоқ йиллардан буён муштарийлар эътиборига ҳавола этиб келина-ётган “Бойсун” газетаси мисоли-да кўришимиз мумкин.

Ўзига хос тарихий йўлни бе-шикаст босиб ўтаётган ушбу га-зета 1932 йил 1 майдан бошлаб нашр этила бошлаган. Эслатмоқ ўринлики, газета ўша йиллари Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитетининг биринчи ко-тиби вазифасида ишлаган (1929 йил, декабр – 1937 йил, сентябрь) Акмал Икромов ташаббуси билан ташкил этилган. Чунки бу даврда Шўролар ҳокимияти ўз сиёсати-ни изчиллик билан амалга оши-раётганди. Табиийки, А.Икромов ҳам Ўзбекистон компартиясининг масъул ходими сифатида ер-сув ислохоти, коллективлаштириш, “қулоқлар”ни синф сифатида ту-

гатиш” каби тадбирларда фаол иштирок этган.

1927 йил октябрда А.Икромов Самарқандда бўлиб ўтган ЎзССР маданият ходимларининг иккин-чи қурултойида “Мафқуравий жа-бҳадаги кураш ва маданият хо-димларининг вазифалари” мавзу-сида маъруза ҳам қилган. 1929 йилда Ўзкомпартиянинг биринчи котиби этиб сайлангач, у мафқу-равий ишлар билан бир қаторда пахта экиш учун янги ерларни ўзлаштириш ва сўғориш, Тожики-стон ҳамда Сурхондарё вилоят-ларида ингичка тоғли пахта экишни кучайтириш лозимлиги тўғрисидаги таклифларни ўртага ташлаган. Мафқуравий ва ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиғи соҳа-ларида бундай кенг қамровли ишларни амалга ошириш учун, албатта, бутун мамлакат бўйлаб изчил равишда тарғибот ва таш-виқот ишларини кучайтириш за-рурати янада кучайган эди. Бу-нинг учун эса аҳоли ўртасида та-рғибот ишларини кучайтириш мақ-садида жойларда матбуотнинг, хусусан, газеталарнинг таъсир кучидан унумли фойдаланиш эҳтиёжи юзага келганди.

Сурхондарё вилояти ҳудудидаги туманларда ҳам газеталар таш-кил этиш ва унинг мунтазам чоп этиб турилишини таъминлаш давр талаби эди. Бойсун туманида илк нашр ҳам ана шу талаб туфайли пайдо бўлганди. Эътиборли томо-ни шундаки, Бойсунтоғ этакла-рида ястанган туманда янги га-зета ташкил этиш учун ўша пай-тда “Индустриальный Чирчик” газетаси муҳаррири бўлиб иш-лаб турган Саъдулла Собиров Ўзбекистон КП МХ биринчи ко-тиби А.Икромовнинг ташаббуси билан Бойсунга юборилди.

Шу тариқа, газета “Кизил



меҳнатчи” номи билан лотин алифбосида ҳар 5 кунда бир марта нашр этила бошланди. Дастлаб, у ўзбек ва тожик тилларида, кей-инчалик эса тўлиғича ўзбек ти-лида Денов босмахонасида чоп этилган. Ўша йиллари газета тах-ририятида Ш.Аҳмадий, И.Боатов, М.Жумаев, Ф.Ғазизова, Р.Ўбайду-лина, Х.Турдиалиев, Ж.Сатторов, М.Каримов, Х.Абилов каби адабий ходимлар ишлай бошладди. Улар тоғли Бойсун туманида газетачи-лик фаолиятини бошлаган ва шак-ллангирган дастлабки журналист-лар сифатида вилоят мабуоти тарихида қолдилар.

Мамлакатда қишлоқ хўжалиғи-ни янада ривожлантириш орқали ғалла мустақиллигига эришиш сиё-сати ҳар жиҳатдан кучая борди. Натижада жойларда нашр этила-ётган газеталарнинг кўпчилиги номланишини ўзгартириб, амал-даги сиёсатга мослаштириб олди. Масалан, Бойсун туманида чоп этилаётган “Кизил меҳнатчи” га-зетаси 1934 йилдан бошлаб “Ғалла fronti” деб аталадиган бўлди. Эндиликда у аввалгидек 5 кунда эмас, ҳар 2 кунда бир мар-та чоп этила бошлади.

(Давоми 2-бетда)

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”ДАН ЯНГИ СТАДИОН



кеча мактабимиз ҳудудида қуриб, фойдаланишга топширилган за-монавий стадионнинг тантанали равишда очилишида иштирок этиб, муҳтарам Президентимиз таклиф ва ташаббуслари билан

амалга оширилаётган ушбу лойиҳа моҳиятини ўз ҳудудимиз мисолида кўриб ана бир бор ан-ладик. Очиғи, бундай ўйингоҳ на-фақат мактабимиз талабалари, балки бутун маҳалламиз ёшлари-

нинг орзуси эди. Шунинг учун мазкур объект-нинг тантанали очилиши биз кутгандан ҳам ҳаяжонли ва эсда қоғларли тарзда ўтди.

Тадбирда иш-тирок этган ту-манимиз ҳокими ўринбосари Аб-дулфаттоҳ Хуса-нов, мактаб ди-ректори С.Баҳо-вудинов, фаол н у р о н и й л а р мамлакатимиз ёшлари орасида физкультура ва спортни ривож-лантириш бора-сида олиб бори-лаётган исло-хотлар ҳақида гапирар экан-лар, мазкур янги иншоот келгуси-

да мактабимиз, маҳаллаимиз ёш-лари учун узоқ йиллар хизмат қи-лишни таъкидлаб ўтдилар. Биз ёшларни энг ҳаяжонлангирган на-рса эса, шубҳасиз ушбу ўйингоҳда илк маротаба маҳалламизнинг ёши

улуг нуронийлари томонидан футбол ўйини ташкил этилиши бўлди. Очиғини айтганда, биз ёшлар маҳалламизнинг нуро-ний-оқсоқоллари орасида ҳам спортга, хусусан, футбол ўйнаш-га қизиқувчи ва бу ўйинни қой-иллатиб ўйнайдиганлар борли-гидан фахрландик. Спорт ёш танламаслиги, у кекса-ёш учун саломатликни тиклаш манбаи эканлигига амин бўлдик. Ёши улуг спортчиларимизнинг келгу-сида маҳалла ёшлари орасидан ҳам туманимиз довуғини элга танитувчи профессионал спорт-чилар чиқишга билдирган ишончларини оқлашни дилимиз-га тугиб, яхши ниятлар қилдик...

Тадбир давомида маҳалла ёшлари ва нуронийлари, устоз-ларимиз “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида бунёд этил-ган ўйингоҳни ўз муддатида си-фатли қилиб қуриб берган “Ава-зов Улугбек Жаббор ўғли” МЧЖ корхонаси раҳбари ва қурувчи-ларига ўз миннатдорчилиқлари-ни билдирдилар.

Жавоҳир АЛИМОВ, 6-сон умумтаълим мактаби ўқувчиси, Шўрсой маҳалласи.

амалга оширилган яхши бир ташаббус — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тозалик-ободончиликка қаратилган оммавий ҳафталик ҳашар, айтиш жоизки, яқин ўн йилларда Бойсунда ўтказилган атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ энг йирик тадбирлардан бири бўлди. Ви-лоят, туман ҳокимликлари ташаббуси билан ўтказилган оммавий ҳашарда туман ҳокимлигидан бошлаб, барча давлат ташкилотлари, маҳаллалар, жамоатчилик, катта-кичик бирдек масъулият билан иш-тирок этгани, тадбир қўлами туманимиз ҳудудининг барча ҳудудла-рини қамраб олгани энг аввали, экологик инкироз ва унинг аянчи-ли оқибатлари кўпчиликти ҳавотир уйғотиб бўлганлиги ҳолатини кўрсатиб турибди. Бу тўғри маъ-нода яхши аломат. Чунки эколо-гик вазиятни издан чиқишига са-бабчи бўлган инсонлар, энди аста-секин унинг олдини олиш, бартараф этиш ҳам фақат унинг қўлидан келадиган вазифа экан-лигини англаб етаяпти, чоғи.

Бўлиб ўтган оммавий ҳашар ҳақида ижтимоий тармоқларда, ОАВларда мунтазам маълумотлар бериб турилди. Бироқ афсуски, бу маълумотлар фақат ахборот бериш кўринишидагина бўлди, холос.

(Давоми 2-бетда)



Шу йили туманда босмахона фаолияти ҳам йўлга қўйилиб, газета шу ернинг ўзида чоп этиладиган бўлди. Саъдулла Собиров бир неча йил газетага муҳаррирлик қилди.

Шуни ҳам эслатиб ўтмоқ керакки, “Қизил меҳнатчи” ва “Фалла fronti”нинг 1932-1936 йиллардаги сонлари деярли сақланмаган. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам газетанинг 1937 йилдан кейинги сонлари бор, у ҳам тўлиқ эмас. Лекин туман газетасига салкам 40 йил муҳаррирлик қилган журналист Очил Пардаевнинг шахсий архивида нашрнинг 1935-1937 йиллардаги айрим сонларига сақланиб қолган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев “Шарқ юлдузи” журналининг 1993 йил 9-сонига эълон қилинган суҳбатда “Отам Файзулла Холмирзаев асли Булунғурдан. У ерда маориф бўлимининг мудири бўлиб ишлаган. Ўз даврининг мулла одамларидан бўлган. 1938-1939 йилларда (Айрим манабаларда 1930 йил – З.Т.) отам қувгинга учраган, қочиб, тўри Тошкентга келган. Тошкентнинг “Каллахона” маҳалласидаги чойхонада ака-ука Эрали ва Шерали деган йигитлар отамни бир йил давомида яшириб юришган... Усмон Юсупов (Айрим манабаларда Йўлдош Охунбобоев – З.Т.) отамнинг ҳаёти қил устида эканлигини сезиб, уни Сурхондарёга, тоғлар орасига жўнатган. У ерга боргандан кейин, отам район газетасининг муҳаррири бўлган”, деб гапириб берганди.

Адибнинг бу хотиралари, шунингдек, “Фалла fronti” газетасининг бизгача сақланиб қолинган 1935 йил 28 июндаги 37-сони Файзулла Холмирзаев масъул муҳаррирлигида чоп этилгани, таниқли олим ва ёзувчи Олим Тошбоевнинг “Абадий замондош” номли китобида Файзулла Холмирзаев 1935 йилда масъул муҳаррирликдан кетгани ҳақида ёзилганидан англашिलाдики, адибнинг отаси Файзулла Холмирзаев ҳам “Фалла fronti” газетасида ишлаган ва унга раҳбарлик қилган. Шукур Холмирзаев “Бир вужудда икки жон” эссесида онасининг қуйидаги гапларини келтиради: “Отанг чироили одам эди. Кўп газет, китоб ўқирди. Газетага редакторлигида сени момонг оборадди редакцияга. Отанг столга ўтқазиб қўяркан сени. Сен унинг қоғозларини титкилаб ўтираркансан...”

1932-1940 йилларда “Фалла fronti” газетаси ўша давр сиёсий ва иқтисодий жараёнларининг тарғиботчисига айланган, саҳифаларида акс эттирилган ижтимоий-маданий жараёнлар, қундалик воқеалар ҳам совет мафкураси манфаатларидан келиб чиққан.

Газетанинг сарғайиб, увада бўлиб қолган 1935 йил 7 ноябрдаги 71-сонини арақлаймиз.

Mustaqil mamlakatimizda xorijiy valyuta bilan muomala qilish emir-erkin. Faqat belgilangan tartib-qoidalarga amal qilinsa bo'lgani. Xususan, amaldagi qonunchilikka ko'ra xorijiy valyuta bilan oldi-berdi qilish, jumladan, valyuta sotish va xarid qilish faqat bank muassasalari tomonidan, O'zbekiston Respublikasi markaziy banki tomonidan belgilangan kurs bo'yicha amalga oshirilishi qat'iy belgilab qo'yilgan. Ushbu talabdan tashqari valyuta almashtirish — sotish va sotib

NOQONUNIY VALYUTA AYRIBOSHLASH OQIBATI

olishning har qanday ko'rinishi uchun javobgarlik belgilab qo'yilgan.

Garchand ushbu qat'iy talablardan bexabar kishilar oramizda deyarli uchramasa-da, afsuski, ba'zan shaxsiy manfaat ko'rish, ba'zida esa bank muassasalarini chetlab o'tgan holda xorijiy valyuta oldi-berdisini noqonuniy ravishda amalga oshiruvchi fuqarolar ham uchrab turibdi. Jumladan, Boysun tumanining Pasuxi mahallasida yashovchi J.H xamda Gaza mahallasida yashovchi fuqaro K.Q ana shundaylardan bo'lib chiqdi.

Har ikki fuqaro muqaddam o'z peshona teri bilan tirikchilik qilib, tinchgina oila tebratib yurishgandi. Biroq ular o'zaro til biriktirib xorijiy valyutalarni noqonuniy muomalasiga aralashib qolgan kunlardan boshlab hayotlariga qo'rtiqcha tashvish, notinchlik olib keltirishayotganligini sezmay qolishdi. To'g'rirog'i, qilayotgan ishlari jinoyat va buning uchun qachondir sudning qora kursisiga o'tirib qolishlari haqida o'ylab ko'rishmadi. Oxir-oqibat o'ylamay qilingan tavakkalchilik ularning har ikkisiga pand berdi. Jumladan, 2024-yilning 17-oktyabrida har ikki sherik Tuzbozor mahallasi hududida huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlari tomonidan o'tkazilgan tezkor tadbir chog'ida “U” ismli shaxsga qonunga

U Saъdulla Sobirov muҳarriрrлигида 2000 нусхада, “А-З” ҳажм, 4 саҳифа бўлиб чиққан. Газетада эълон қилинган салкам ярим саҳифалик бир мақолада журналистикага қадам қўяётган бугунги ёшлар учун ҳам фойдали бўладиган фикрлар ёзилган. Бизнингча, газета таҳририяти ҳали ўттизинчи йиллардаёқ, жамоатчи муҳбирлар тайёрлаш, соҳада ишлаётган муҳбирларнинг эса ёзиш техникаси ва фикрлаш доирасини кенгайтириш ҳақида қайғурган бўлса керак. Аммо эътиборли томони шундаки, муҳбирнинг касб этикаси, тезкорлиги, билими ва ҳолис бўлиши тўғрисида берилган айрим тавсиялар бугун ҳам қадр-қимматини йўқотган эмас:

“Матбўтга қатнашувчи ҳамма муҳбир ва муҳбирлар энг аввал ўзи ва уни атрофига тортилган бутун одамлар суддан оқ, сувдан тоза бўлишлари лозим. Муҳбир ва муҳбирлар аввал бошлаб, ўзи ҳамма камчиликдан тоза, танқиддан анча юқори туриши шарт.

Муҳбирларимиз ҳамма масалани конкрет фактлар билан ёзиш ўрнига умуман ёзадилар. Умуман олганда, “районимиз бўйича кўпчилик колхозларда” деган сўзлар кўп жойда ишлатилади. Уларни мумкин қадар қисқартиш ва конкрет ёзишга уриниш лозим.

Яна бир масала, у ҳам бўлса, ишни вақти ўтгандан кейин ёзиш. Воқеани ҳамма ёшитиб бўлгандан кейин ёзиш. Оммалашгандан сўнг ёзиш бу ҳам жуда кам фойда келтиради. Халқ бир муҳим ишни ёшитган бўлса, уни газетада ўқини хоҳламайди, ўқиса ҳам унинг учун шу эски ўзи эшитган сўз уни қизиқтирмай қўяди...

Шунинг учун ҳар бир хабарни вақтинча юз берган соатда, оммалашмасдан илгари ёзиш лозим. Мумкин қадар халқ шу хабарни чойхонадаги одамларнинг сўзидан эмас, балки газетадан ўқиб эшитсин! Шундай бўлгандагина газета, тегишли газетачилик ролини ўйнай олади...”

“Фалла fronti” газетаси 1937-1938 йилларда ҳафтасига 1-2 марта, ўртача 500-700 нусхада, 1939 йилдан бошлаб ҳафтасига 2 марта, 1500-1745 нусхада, 1940 йилда 2000 нусхада нашр этилган. Газетанинг колхоз ва қишлоқлардан узлуксиз хабар ва мақолалар ёзиб турувчи кўп сонли жамоатчи муҳбирлари бўлган. Баъзи сиёсий саналар билан боғлиқ хабар ва лавҳалар суратлар билан, бош мақола сарлавҳаси ва рукн номи қизил рангда берилган. Махсус сонлар алвон рангда безатилган ҳолда нашр қилинган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида газета фронтдаги жангчиларнинг жанговарлигини, фронт ортидаги аҳолига эса меҳнат унумдорлигини ошириш, фронтни моддий ва

■ Fuqarlarning murojaatlarini o'rganish va tahlil qilish hamda ularda ko'tarilgan muammolarni o'z vaqtida qat'iy hal etish, bu haqda murojaatchilarga kechiktirmay yetkazish bugungi kunda har bir tashkilot, korxona va muassasa rahbarlarining oldida turgan asosiy vazifalardan biri hisoblanadi.

■ Zotan har bir fuqaro, uning ijtimoiy ahvolidan qat'iy nazar o'zining shaxsiy hayoti, faoliyatiga daxldor muammolari, shuningdek o'z hududidagi mavjud ijtimoiy muammoli masalalar xususida davlat tashkilotlari va mutasaddilarga murojaat qilishi, ulardan murojaatlariga nisbatan munosabatlarni talab qilishga haqlidir.

■ Mazkur talabdan kelib chiqib, jumladan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Boysun tumanidagi qabulxonasi xodimlari O'zbekiston Respublikasining “Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida”gi Qonuni talablari hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 17-yanvardagi “Aholi muammolari bilan ishlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PF-5633-son Farmoni ijrosi doirasida bir qator ishlarni amalga oshirmoqda.

■ Qiziq, har ikki sudlanuvchining sudda e'tirof etishiga ko'ra sotilgan xorijiy valyutalarning har yuz dollaridan 5000 so'mdan foyda qolishini hisob-kitob qilishganligini ta'kidlashgan.

■ Vaholanki, ular avvalgidek o'z tirikchiliklarini halol mehnat ortidan yuritishni kanda qilmaganlarida, o'sha 48,5 million so'mdan samarali foydalanib, boshqa manfaatli yo'lga sarflashganida shuncha mablag'dan ayrilmagan.

■ balki yaxshigina daromad topib yurishgan bo'lardi.

■ Ha, noto'g'ri eshitmadingiz, sud hukmiga ko'ra har ikki “o'rtiq”qa ish haqining 20 foizini davlat daromadiga o'tkazish va ikki yil muddatga xloq tuzatish ishlari jazoni tayinlanishidan tashqari ular noqonuniy oldi-berdi qilgan 3500 AQSH dollari ham davlat daromadiga o'tkazildi.

■ Davron YO'LDOSHEV, iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish Departamentining Boysun tuman bo'limi boshlig'i.

■ Qonun senatorlar tomonidan muhokama qilindi.

■ Xo'sh, suv ta'minoti borasida, xususan, suvdan oqilona foydalanish, suvni olish tartibini buzganlik masalalari yuzasidan tumanimizda ahvol qanday?

■ Joriy yilning fevral oyida fuqarolik ishlari bo'yicha tuman sudida ko'rib chiqilgan ikkita masala aynan shu haqda kechdi. Birinchisi — Tuzbozor mahalla fuqarosi Botir Shaxobov (ismi familiyasi o'zgartirilgan) xonadoniga o'tkazilgan vodoprovod nuqtasining bittasi yetmaganidek ikkinchisiga ham “yo'l ochdi”.

■ маънавий жиҳатдан янада кучлироқ қўллаб-қувватлашни тарғиб қилди. 1945 йил ва ундан кейинги даврларда мамлакат халқ ҳўжалигини тиклаш, “социализм қурилиши узил-кесил ва тўла ғалаба қилиши”ни таъминлаш каби масалалар газета саҳифаларида етакчилик қилганлигини кўрамыз. Ўша йилларда газетага муҳаррирлик қилган Нарзулла Қозиев, Нурулла Муродов, Турди Атаевлар ёзиб қолдирган ҳаётий хотиралар бунга яққол далил бўла олади.

■ Газета 1966 йилдан “Ғалаба”, 1996 йилдан “Бойсун овози”, 2007 йилдан “Бойсун” номи билан чоп этиб келинмоқда. Бош муҳаррирлар — ўз даврининг илмли кишиларидан бўлган Очил Пардаев, Хўшмурод Холмўминов, Хайрулла Султонов, Холмурод Қараевлар нашрнинг ўқимишли, халқ руҳига яқин бўлишини таъминлашда ўз қобилият ва иқтидорини аяшмади. Ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлган Исмат Норбоев, Маҳид Нормаматов, Омон Шукуров, Тоҳир Усмонов, Собир Ёдиков, Ёркин Қодиров, Парда Назаров, Маҳкамтош Абраева, Исроил Шомиров сингари ижодкорлар турли йилларда меҳнат қилиб, газетанинг сифатли чиқишига ҳисса қўшдилар.

■ Айни вақтда жонқуяр ва фидойи журналист Даврон Орипов бошчилигида “Бойсун” газетаси 1 минг 400 нусхада, 4 саҳифада, ҳар ойда 2 маротаба чоп этиб келинапти. Таҳририят жамоасида Парда Назаров, Нурали Ражабов сингари таниқли журналистлар билан бир қаторда Азамат Гаффоров, Нодира Жўрақулова сингари ўткир қалам соҳиблари давр ва замонда рўй бераётган турфа эвриллишларга қарамай, яратиш завки билан яшаб, собитқадамлик билан қалам тебратмоқдалар. Шунинг учун ҳам газета саҳифаларида эълон қилинаётган ранг-баранг жанр ҳамда долзарб мавзулардаги мақолалар, гўё пурвиқор Бойсунтоғдан таралаётган зиё мисол қалбларга нур олиб қираяпти. Атрофлича таҳлиллар, ҳар томонлама пухта ўрганиш натижасида турилган танқидий чиқишлар, инсон ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган мақолалар боисунлиқлар онгу шуурига тобора кучлироқ сингиб, газета ўқишга бўлган иштиёқни орттирмоқда. Бу — тўксон уч йиллик тарихга эга, ҳамиша эл дарди билан яшаётган “Бойсун” газетаси таҳририятига бирлашган журналистларнинг энг катта ютуғидир.

■ Заҳириддин ТўРАЕВ, Сурхондарё вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи.

■ Халқимизнинг ўзига кадриятларидан бири бўлган эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар ва ўзгалар ёрдамига муҳтожларга бегараз ёрдам қўлини чўзиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кейинги йилларда маҳаллаларда бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

■ Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишда фаол нуронийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-405-сонли қарори ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Фаол нуронийларни камбағал оилаларга бириктириш ҳамда маҳаллада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга жалб этиш тартиби тўғрисида”ги 892-сонли қарорларининг қабул қилиниши кекса авлод вакилларининг билим ва тажрибаларидан фойдаланган

КАМБАҒАЛЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА НУРОНИЙЛАР ҲАМ ФАОЛ

■ ҳолда камбағалликдан чиқариш тизимини жорий этиш бўйича туманимизда ҳам муайян ишларни йўлга қўйишда имконият яратмоқда.

■ Бунда, биринчи навбатда ушбу ҳар иккала қарорнинг ва тасдиқланган Низомнинг мазмун-моҳияти ҳамда белгиланган вазифаларни жойларга қўйиб, аҳоли ва нуронийлар ўртасида кенг тарқиб қилиш ва тушунтириш бериб боришга алоҳида аҳамият қаратилаётир. Бўлиб ўтган мана шундай тарғибот натижаларига кўра маҳаллалардаги фаол нуронийлар Президентимизнинг аҳолининг камбағал қатлами билан ишлаш ва уларнинг фаровонлик даражаларини тубдан яхшилашга қаратилган тақлифлари ҳамда қарорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, хайрли ва савобли ишларга ўз ҳиссаларини қўшиб, давлатимиз раҳбарининг ишончларини оқашларини билдирдилар. Бунн қуйидаги рақамлар мисолида ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

■ Қарор талаблари доирасида қисқа муддат ичида тумандаги барча 39 та маҳаллалардан “Маҳалла еттичилиги” ҳамда “Кексалар маслаҳат гуруҳи” аъзолари билан ҳамкорликда 117 нафар фаол нуронийлар танлаб олинди. Ҳар бир маҳаллада мавжуд

■ бўлган камбағал оилалар рўйхати шакллантирилиб, улар нуронийларга бириктирилди. Бугунги кунгача ушбу фаол нуронийлар ўзларига бириктирилган 554 та камбағал оилалар хонадонларига бориб, ўз кўзи билан кўриб, хонадонлардаги умумий аҳвол, оила аъзоларининг яшаш шароитлари билан танишиб, аниқланган муаммоларни тегишлича таҳлил қилиб қикдилар. Шунингдек, аниқланган муаммолар алоқадор мутасадди ташкилотларга етказилиб, икроси ҳамкорликда назоратга олинди. Жумладан, камбағал оила аъзоларига мавжуд ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, хусусан, томорқада ишлаш ва даромад олиш маданиятини шакллантириш, оила шароитида чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш, фарзандлар таълим-тарбиясига эътибор қаратиш, иш билан банд бўлмаган ёшлардаги дангасалик, бепарволик иллатларига барҳам бериш, уларни касбга ўргатиш каби чора-тадбирлар амалга

■ оширилмоқда. Шунингдек, камбағал оилаларга оилавий бизнес ва томорқачиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратилишини назорат қилиш ва бу борада адолатсизликка йўл қўйилмаслик ҳам фаол нуронийлар эътиборидан четда қолмапти. Айниқса, ўтган моҳи рамазон кунларида камбағал оилалар аъзоларига ифторликлар қилиб бериш, ҳомийлар ҳамкорлигида уларни моддий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилдики, бу фаол нуронийларимизнинг ўзларига бириктирилган оилалар билан ишлашда ўзларига юклатилган ишончга масъулият билан қараб келаётганларидан дарак беради.

■ Мазкур савобли ишлар қаторида фаол нуронийларимиз “Маҳалла еттичилиги” билан ҳамкорликда маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, хусусан, “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Боланинг беғонаси бўлмайди”, “Менинг маҳалламда жиноят бўлмайди” мавзуларида ўтказилаётган маърифий-маданий тадбирларга ҳам бош-қош бўлаяптилар.

■ Э.ТОШБОВЕВ, “Нуроний” жамғармаси Бойсун туман бўлими раиси.

MUROJAATLAR YECHIMI FUQAROLARNI ROZI QILISH UCHUN

■ Xususan, To'da mahallasida istiqomat qiluvchi fuqaro F.Odilov uzoq vaqtlardan buyon o'zi faoliyat ko'rsatayotgan OOO "Nadimstroyegzadobiga" korxonasidan ish haqlarini ololmay sarson bo'layotgani xususidagi murojaati Xalq qabulxonasi xodimlari tomonidan o'rganilib, uning murojaati asosli ekanligi e'tirof etilib, mas'ul tashkilotlar tomonidan ijobiy hal etilishiga erishildi. Shuningdek, "Temir Darvoza" mahalla fuqarosi X.Xolto'rayevning murojaatini ko'rib chiqish jarayonida, murojaatda ko'rsatilganidek harqiatan ham mazkur fuqaroning yashash sharoiti og'irligi aniqlanib, tegishli tartibda unga bir martalik moddiy yordam ajratilib, murojaat ijobiy hal etildi.

■ Afsuski, ba'zan fu'arolar ko'tarayotgan muammolar mahallaning o'zida, "mahalla yetiligi" tomonidan oson hal etilishi mumkin bo'lgan holda mahallalar mutasaddilarining e'tiborsizligi oqibatida o'sha murojaatlar ijrosiga ham Xalq qabulxonasining aralashuvi lozim bo'lib qolyapti. Xususan, O'rta Machay mahallasida yashovchi fuqaro O.Jumaqulov subsidiya asosida issiqxona qurib berish bo'yicha qilgan murojaati uzoq vaqt e'tiborsiz qolganidan

■ bildirgi berishdan boshqa chorasi qolmaydi. Natijada spirtili ichimlik ichib qonunni buzgani yetmagandek, aybini "yashirish" uchun taklif qilgan 4 million so'm pul mablag'ini YPX inspektoriga pora tariqasida berayotgan paytda tezkor tadbir xodimlari tomonidan o'tkazilgan tadbir chog'ida jinoyat ustida qo'lga olindi.

■ Darvoqe, A.Xurramov muqaddam ham jinoyat sodir etilganlikda ayblanib, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining bir qator moddalariga asosan uzoq muddatga ozodlikdan mahrum etilgan shaxs. Biroq afsuski, o'sha jinoyatlar evaziga ozodlikdan mahrumlikda o'tgan panjara ortidagi hayotdan u o'tiga xulosa chiqarmagan ko'rinadi. Shuning uchun ham pora evaziga aybini yashirish va jinoyi javobgarlikdan qutilaman deb xomtama bo'lgan shekilli.

■ 2025-yilning 27-mart kunida bo'lib o'tgan jinoyat ishlari bo'yicha Boysun tuman sudi ochiq sud majlisida A.Xurramovga tegishli ish muhokama

■ Uning fikricha go'yo birinchi suv nuqtasi "Obod mahalla" boshlanganda qolib ketgan emish. Hech qanday ruxsatsiz qilingan hatt-i-harakat tufayli 3 400 000 so'mlik jarimaga tortildi ham. Qiziq, qo'shnilari va boshqa mahalla fuqarolari bitta vodoprovod nuqtasi o'tkazish uchun zor bo'lib yurgan bir paytda Botirboyga ikkinchisi ne dorkor? Ha, suv hisoblagichsiz o'tkazilgan vodoprovod nuqtasi suvni o'marishga yordam berar balki. Shu mahalla fuqarosi Ravshan Abdiev ham hech qanday ruxsatsiz, hisoblagich o'rnatmasdan vodoprovod suvidan foydalanib yurganligi

■ qilingan fikricha go'yo birinchi suv nuqtasi "Obod mahalla" boshlanganda qolib ketgan emish. Hech qanday ruxsatsiz qilingan hatt-i-harakat tufayli 3 400 000 so'mlik jarimaga tortildi ham. Qiziq, qo'shnilari va boshqa mahalla fuqarolari bitta vodoprovod nuqtasi o'tkazish uchun zor bo'lib yurgan bir paytda Botirboyga ikkinchisi ne dorkor? Ha, suv hisoblagichsiz o'tkazilgan vodoprovod nuqtasi suvni o'marishga yordam berar balki. Shu mahalla fuqarosi Ravshan Abdiev ham hech qanday ruxsatsiz, hisoblagich o'rnatmasdan vodoprovod suvidan foydalanib yurganligi

■ norozi bo'lib, turli idoralarga murojaat qilishga majbur bo'lgan. Mazkur murojaat ham Xalq qabulxonasi xodimlarining aralashuvi bilan ijobiy hal etilib, fuqaroning talabi qondirildi va unga issiqxona qurish uchun tegishli amaliy yordam ko'rsatildi. Shuningdek, To'da mahallasi fuqarosi X.Eshmirzayevaning xonadoniga elektr tarmog'i tortilmagani xususidagi murojaatiga ham munosib ravishda yechim topilib, ariza qanoatlantirildi.

■ Tahlillar natijasiga ko'ra 2025-yilning birinchi choragi davrida Boysun tumanidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Virtual va Xalq qabulxonalariga jismoniy va yuridik shaxslarning jami 1491 ta masalalardan iborat murojaatlari kelib tushgan bo'lib, shundan 1221 ta masala ko'rib chiqilgan va 270 tasi yuzasidan o'rganish jarayoni davom etmoqda. Ko'rib chiqilgan masalalarning 517 tasi huquqiy ma'lumot berish orqali qanoatlanirilib, 452 tasi ijobiy hal etilishiga erishildi.

■ Sh.QODIROV, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Boysun tumanidagi Xalq qabulxonasi mudiri.

■ etilib, u o'ziga qo'yilgan ayblovlarini tasdiqlash uchun taqdim etilgan dalillarni e'tirof etishdan o'zga chora topa olmadi. Natijada odil sud unga O'zbekiston Respublikasi jinoyat kodeksi 24-moddasining 1-qismi bilan aybli deb topib, BXMning 50 savaravi miqdorida — 18 750 000 (o'n sakkiz million yetti yuz ellik ming so'm) jarima jazosi tayinladi.

■ Garchand jazo ozodlikdan mahrum etish darajasiga bormagan bo'lsa-da yuqorida ko'rsatilgan katta miqdordagi mablag'ni to'lash har holda uch nafar farzandi bor oila uchun, doimiy ish o'rninga ega bo'lmagan A.Xurramov uchun har qanday og'ir jazodan kam emas. Bir vaqtlar uzoq muddat ozodlikdan mahrum etish juzzidan xulosa qilmagan "qahramonimiz" shoyad ushbu jazodan keyin oila, farzandlar taqdirini o'ylab, bundan keyin jinoyat ko'chasiga kirmaslik uchun xulosa qilsa.

■ J.TO'XTOSHEV, Boysun tuman prokurorining yordamchisi.

■ aniqlandi. U ham 3 400 000 so'm jarima to'lagan bo'lsa-da, sud har ikki fuqaroning noqonuniy harakatlarini ochib tashlab, da'vogar "Surxondaryo suv ta'minoti" AJ Boysun tuman bo'limining Botir Shaxobovga nisbatan 2 859 120 so'm, Ravshan Abdievga nisbatan 4 129 840 so'mlik zararni undirish haqida qaror qabul qildi.

■ Bundan kelib chiqadigan xulosa tog'larimiz osha bigza yetib kelayotgan hayot ne'mati — suvdan oqilona foydalangan holda yashashga o'rganishimiz kerak.

■ Abulqosim RO'ZIQULOV, Surxondaryo viloyati sudi raisi. Lochin USAROV, fuqarolik ishlari bo'yicha Boysun tuman sudi raisi.

Ваҳоланки, атроф-му-хит муҳофазаси каби ул-кан муаммо ва уни секинлаштириш билан боғлиқ оммавий тадбир-лар ҳақида “Фалон вақтда фалон жойда тадбир бўлиб ўтди” қабили-да қисқа хабар бериш кенг жамоатчилик учун камлик қилади чоғи. Журналистик нуктаи назардан олиб қаралганда, мана шу қисқа ха-барлар орасида оммавий ҳашарнинг максади, моҳиятини кўрсатиб берувчи таҳлиллар, фикрлар ва хулосалар ҳам бўлиши керак эди. Чунки ҳали ҳам одамларда экологик маданият, экологик тафаккур тўлақонли шаклланмаган, экологик фаросат уйғонишга улгурмаган бир шароитда бу каби тадбирларнинг мақсад-моҳиятини жамоатчи-ликка тўғри етказиш маълум бир маънода кишиларда мана шундай экологик ҳислатлар пайдо бўлишига туртки беради, албатта.

Энди, юқорида эслатилган камчиликларнинг ўрнини қисман қоп-лаш мақсадида туманимизда ўтказилган ушбу оммавий ҳашар таш-килотчиларнинг кўзлаган мақсадлари қай даражада амалга ошгани, натижаларини, бунга жамоатчиликнинг бўлган эътибори, фикри ҳақида тўхталиб ўтсак.

Эслатиб ўтилганидек, бўлиб ўтган оммавий ҳашар тумanning барча ҳудудларини қамраб олгани билан аҳамият касб этди. Ҳафта давомида минглаб ҳамшаҳарларимиз энг аввало ўз корхоналари, ўкув масканлари, муассасалари ҳудудини ободонлаштириб, кўкаламзор-

лаштириш тадбирларини амалга оширдилар. Маҳалла, кўчалар, таш-килот ва корхоналар ҳудудларидан ўнлаб тонна чиқиндилар йиғиш-тирилиб, махсус полигонларга олиб чиқилди. Бу ишлар учун “Тоза ҳудуд”, “Ободонлаштириш” каби корхоналарнинг махсус транспорт-ларидан ташқари бошқа корхона-ташкилотларга қарашли автобулов-лар ҳам жалб этилди. Айниқса, туманимиз марказига кириб келувчи барча автоотрассалар ҳамда қишлоқ маҳаллаларидаги кўчалар, йўлларнинг икки томони ҳашарчилар, волонтер ёшлар ҳамкорлигида тўлиқ пластик буюмлар, майший чиқиндиларда тозаланиб, махсус полигонларга олиб чиқилди. “Яшил макон” лойиҳаси доирасида йўл чеккаларига экилган кўчатларга ишлов берилиб, дарахтлар оқлан-ди. Ҳашар натижасида чиқиндилардан тозаланган қир-адирлар, йўл ва кўчалар, маҳалла ҳудудлари турли зарарли губорлардан покла-ниб, баҳорнинг тоза ҳавоси билан кўшилиб, янада файзли тус олди. Гўё амалга оширилган тозалик-ободончилик туфайли баҳор тум-анимизга кеча эмас, бугун кириб келгандек туюлди кўпчиликда...

Бўлиб ўтган халқ ҳашари бизга яна бир умумий маънавий ман-зарани — кўпчиликда, катта эҳтимол билан жуда кўпчиликда хали ҳам экологик виждон, экологик маънавият ва маданият шаклланма-ганлигини кўрсатди. Худди мана шунинг ўзи ҳам ҳашар ташкилотчи-ларининг улкан ютуғи дейиш мумкин. Айниқса, шаҳар ташқирисидан ўтган халқаро ва республика аҳамиятидаги автойўллар, қишлоқ йўла-ри атрофида сочилган беҳисоб пластик ва бошқа турдаги майший

ТАБИАТИНИ АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ҲАМ ҲАММОНЛАШТИРИШ

чиқиндилар кўпчилиги ҳамюртларимизнинг экологик маданияти, улар-нинг атроф-муҳитга, ўзлари туғилиб ўсган юртларига бўлган му-носабатлари ҳаминқадар эканлигини кўрсатади. Ушбу муаммонинг яна бир хатарли жиҳати бу йўллардан фақат ўзимиз эмас, балки хорижий сайёҳлар ҳам ўтиб туриши билан боғлиқ, Дунёда шундай мамлакат-лар борки, улар учун тўғри келган жойлар, хусусан, йўл ва кўчалар атрофларига, очиқ табиат кўйига чиқинди ташлаш маданиятсизлик белгиси, ўз юртини, унинг табиатини ҳурмат қилмаслик, қолаверса, жиноят ҳисобланади. Табиати асраб-авайлаш шахс маънавиятининг камоли билан ҳисобланган бу каби мамлакатлардан ўтган сайёҳлар, меҳмонлар йўлларимиз атрофида фаросатсизларча ташланган чиқин-диларни кўриб, албатта, бизнинг маънавиятимиз, маданиятимизга, она табиятга бўлган муносабатимизга баҳо беришлари шубҳасиз...

Атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ оммавий халқ ҳашари давомида мана шундай кўнгилни хира қилувчи ҳодисаларга гувоҳ бўлар эканмиз, биз она табиат муҳофазасига, энг аввало, табиат-га бўлган муносабатимизни кескин ўзгартириш, хусусан, бу ишга виждон амри билан киришшимиз, биринчи галда ҳар биримиз ўзимизда экологик маданиятни шакллантиришимиз орқали эри-

шиш мумкинлигига амин бўлдик. Бунда экологик маданият та-рғиботи энг муҳим вазифа бўлиши тақозо этилади, албатта ва бу маълум бир тоифадаги мутахассислар, раҳбарлар ва жа-вобгар шахсларнинггина эмас, бутун жамоатчиликнинг вазифа бўлсагина маълум бир ижобий натижаларга эришилади. Хусусан, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ мана шундай оммавий тадбирлар ҳам экологик маданият шаклланишида му-ҳим рол ўйнаши шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бир ҳафталик оммавий халқ ҳашари нафақат унинг иштирокчилари, балки кенг жамоатчилик-да ҳам атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ яхши тасаввур-лар пайдо қилди. Одамлар бирлашса, фикрлар бир жойдан чиқ-са ва ҳар доим бу каби тадбирлар ва уларнинг ташкилотчилари кўллаб-қувватланса она табиятимизга етказилаётган озорлар, оқирларни камайитириш, нафас олаётган ҳавомиз, ичаётган су-вимиз, истеъмолад қилаётган таомимизни ҳавфсиз ва турли за-ҳарлардан холи қилиш, келажақ авлодларимизга яхши ҳаёт учун кафил бўлувчи шароит қолдириш кўлимиздан келади.

Даврон ОРИПОВ.

БОЛАЛАРНИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Мақтабгача таълим болаларнинг ривожланишида муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Бу даврда боланинг жисмоний, ақлий, ижтимоий ва психологик ривожланиши тўлиқ шаклланади.

Таъкидлаш жоизки, болаларни мактабгача таълим-га тайёрлашда психологик омиллар муҳим аҳамиятга эга. Бу омиллар болаларнинг янги муҳитга мослашишга, ўқишга тайёрланишига ва ўзига бўлган ишонч-нинг шаклланишига туртки беради.

Қуйида биз таъкидлаб ўтмоқчи бўлган энг муҳим омиллардан бири — бу боланинг ўзини-ўзи ан-гаш ва психологик тайёргарлик жараёнидир. Мақтабгача ёшдаги болаларда дастлаб ўз-ўзини ан-гаш жараёни бошланади. Хусусан, бу даврда бола ўзини танишга, ҳис-туйғуларини тушунишга, атрофда-гилар билан мулоқотда бўлишга интилади. Агар бола ўзини ишончли ҳис қилса янги фаолиятларга киришиш-дан қўрқмайди ва ижтимоий муҳитга тез мослашади.

Таъкидлаш жоизки, бола ўзига ишончни энг авва-ло, оила ва атроф муҳитдан олади. Шунинг учун ҳам ота-она ёки тарбиячилар бола билан мулоқотда бўлган-да унинг фикрларини, ҳиссиётларини ҳурмат қилиш-лари зарур. Бундай шароитда бола ўзини қадрлани-шини ва керак бўлишини ҳис қилади.

Мақтабгача таълимга тайёрлаш жараёнларида ўйин ва иходий фаолият болаларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Ўйин болага янги билимларни ўргани-тиш, дунёқарабини кенгайтириш, бошқа болалар билан ижтимоий алоқалар ўрнатишга имкон яратди. Шу-нинг учун ҳам психологлар ўйин фаолиятини болалар-нинг психологик ривожланиши учун зарур бўлган воси-та сифатида қўрадилар. Хусусан, ўйин ёрдамида бола эркин ифодаляшини, ўз ҳис-туйғуларини мустақил бош-қаришни ўрганади. Шу билан бирга мактабгача таъ-лимда болаларга ўйин фаолиятини ташкил этиш улар-

ни иходий ишларга жалб этиш, жисмоний ва руҳий рив-ожланишига ҳам ёрдам беради. Натижада ўйин орқали бола ихтимоий ва эмоционал кўникмаларни ривожланти-радиги, бу ўз навбатида биз қуйидаги мақолада тилга олмоқчи бўлган яна бир психологик омил ҳисобланади.

Мақтабгача таълимга тайёргарлик босқичининг му-ҳим омилларидан бири саналган эмоционал ривожлани-шининг бошланиши боланинг ўзини-ўзи бошқариш ва ҳис-туйғуларини тушуниши билан боғлиқ. Мақтабга тай-ёр бола ўз ҳисларини бошқариш ва атроф-муҳитдаги ўзга-ришларга мослашиш қобилиятига эга бўлиши керак. Шу-нинг учун ҳам энг аввало ота-оналар ва тарбиячилар бо-ланинг ҳис-туйғуларини эътиборга олишлари, уни тинч-лантириш ва қўллаб-қувватлашлари зарур.

Ижтимоий ривожланиш ҳам болалар тарбиясида му-ҳим аҳамиятга эга. Бу каби кўникмаларни бола асосан мактабгача таълим даврида ўзлаштириши лозим. Бошқа болалар билан ўйнаш, гуруҳда ишлаш, жамоа билан ҳам-корлик қилиш болаларнинг ихтимоий муҳитга мослаши-шига ёрдам беради.

Болаларни мактабгача таълимга тайёрлашда яна бир омил — когнитив ривожланиш, яъни ақлий кўникмалари-ни ривожлантириш ҳам аҳамиятлидир. Болалар, шубҳа-сиз, жуда эрта ёшданок дунёни ўрганиш, муаммоларни ҳал қилиш ва мустақил фикрлашни ўрганишлари шарт. Когнитив ривожланишнинг асосий жиҳатларидан бири — болаларнинг диққатини жамлаш ва уларни янги билим-лар олишга қизиқтиришдан иборат. Шунинг учун ҳам мак-табгача таълимнинг асосий вазифаларидан бири бу — болаларда билиш қобилиятини ривожлантириш, уларни ўзини ўрганишга, қизиқарли фаолиятлар билан шугулла-нишга ундаш, ўргатишдир.

Болаларни мактабгача таълимга тайёрлашда, шубҳа-сиз, ота-оналар ва тарбиячиларнинг ҳам роли беҳисоб бўлиб, бу энг муҳим психологик омиллардан бири сана-лади. Бинобарин, бу икки омилсиз мактабгача таълимга



тайёрлашдек оғир ва масъулиятли вазифани удда-лашнинг имкони йўқ. Негаки, уларнинг болага бўлган муносабати, ўзаро алоқалари ва қўллаб-қувватла-ши боланинг психологик ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ота-оналар энг аввало, ўз фарзандлари билан мулоқотда меҳрибон ва сабрли бўлишлари зарур.

Умуман олганда, болаларни мактабгача таълимга тайёрлашнинг психологик омиллари жуда кўп ва улар-нинг ҳар бири бола таълим-тарбиясида ўзига хос му-ҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг барчаси мактабгача таълим жараёнининг муваффақиятли ўтиши учун зарур.

Моҳира КАРИМОВА,
17-сон Давлат мактабгача таълим ташкилоти-нинг тарбиячиси.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва оқолиштилик-ни сақлаш, аҳоли муҳофа-засини самарали олиб боришда энг авва-ло фуқароларнинг ҳушёрлиги, огоҳлиги ва ўзлари яшаб турган маҳаллалари, иш жой-лари ҳамда таълим олаётган масканлари-да огоҳлик талабларига риоя қилишлари муҳим омиллардан бири саналади.

Бунда уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идо-ралари ходимлари билан доимий ҳамкорлиги ва мана шу ҳамкорлик асосида жойларда мудом огоҳ-лика даъват этувчи тадбирлар ўтказиб туриш ижо-бий аҳамиятга эга.

Мақкур талаб доирасида кейинги пайтда Сур-хондарё вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБ ки-нология бўлинмаси ходимлари томони-дан Бойсун туманининг маҳаллалари, таълим мас-канлари ва ташкилотларида кинолог мутахассис-лар томонидан “Ҳушёрлик ва огоҳлик — давр тала-би” мавзусида тадбирлар ўтказиб боришмоқда. Жум-ладан, яқинда шу мавзусида тадбир тумандаги 13-сон умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

Тадбир давомида кинолог мутахассислар худуд-ларда фуқаролар ўзларига шубҳали туюлган бего-на буюмлар, ўрама пакетлар ва бошқа чет объек-тлар аниқланганда ўзларини қандай туттишлари ва қайси идораларга қандай тарзда мурожаат қилиш-лари, мутахассислар келгунча қандай ҳаракатлар қилишлари тўғрисида маълумотлар бериб ўтдилар.

Шундан сўнг кинологлар тадбир иштирокчилари-га ўргатилган махсус итлар ёрдамида шубҳали дея эътироф этилган буюмларни қидириб топиш, уларни зарарсизлантириш ёки тегишли жойга транспортировка қилиш усуллари юзасидан ама-лий машғулотлар ўтказдилар. Шунингдек, мутахас-сислар томонидан ушбу мавзуларга доир ўткази-

ҲУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИККА ОИД ТАДБИР

ладиган тадбирлар ёшлар орасида жиноятчилик ва безориликни олдини олиш, айниқса, ёшлар ҳаёти-га жиддий ҳавф солиши мумкин бўлган гиёҳванд-лик балосининг олдини олишда муҳим профилак-тик жараён бўлиш мумкинлигини таъкидлаб, ёшлар-нинг ўзларини гиёҳвандлик ва жиноятчиликдан ас-рашлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдир-дилар.

Тадбир давомида мутахассислар иштирокчилар томонидан мавзуга оид берилган саволларга ҳам жавоб бердилар.

Оғабек ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБ кинология бўлинмасининг кичик инспектор кинолоси.



Пас аз анҷоми на-мози фитр эълон шуд. (Гузорише аз чамъомадн тантанавӣ дар қаламравн мактабҳои деҳан Дарбанд)

ки дар мактаби рақа-ми 10-и деҳа ба муносибати таҳкими дўстии халқҳои Осиёи Марказӣ дар иштироки хонандагону устодони макотибҳои дар ин қаламрав мавҷудбуда чамъомадни тантанавӣ баргу-зор мегаштааст.

Он рӯз воқеан дар мактаби номбурда ба ин муносибат чамъо-мади бошукӯҳе баргузор гашт. Дар пештоқи даромадгоҳ овезаҳои “Дўстии халқҳо — пойдевори сулҳу амонӣ”, “Наврӯзи оламафрӯз — иди байналхалқист” ва “Наврӯз иди ҳамагон аст” ба чашм мера-сид ва ба дилҳо суруру шодӣ меафрўгт.

Дар вурудгоҳи дарвоза аз ду ҷониб, либосҳои миллии сокинони ин деҳаи бонувуф, ки беш аз 3,5 ҳазор сол таърих дорад, ба чаш-ми ҳозирон ҳувайдод буд ва шояд онҳоро бо як шавқу завқӣ беандоза аз назар мегу-зарониданд. Яке аз иштирокдорони ин маҳ-фил табақи ҷўбӣ ва қошқуро ба даст ги-рифта ба ҳозирин, ки мутаваҷҷеҳи тамошо буданд, пурсид, ки оё онҳо медонанд ин асбоб дар қадом маврид истифода мешуд, дар рӯзгори гузаштагонамон. Хонандае, ки худро Мухлиса муаррифӣ намуд, иброз дошт, ки ин асбоби рӯзгор барои ошоми-дани хўрок ба қор мебуриданд. Воқеан, посу-хи Мухлиса Исмоилова дуруст буд ва са-волдиҳанда қаноатманд гашт аз ин посу-хаш. Ҳамсинфи дигари Мухлиса кўзаи ло-иро ба даст гирифта аз ў бозпурс намуд, ки он чӣ хидматеро аҷном меод, барои одамон. Ў даъфатан ба ин суоли дугонааш посух дода гуфт, ки кўзаро гузаштагони мо аз гили пухта, пасон онро дар шакли кўза ҷўрмекарданд. Дар дохили он об, шир ва шираи ангур ва дигар нўшоқиҳоро ниғаҳ меоданд.

Ошомидани оби ангур, шир ва оби табиӣ дар кўза ба шахс як ҷаҳон лаззат мебахшид, Бесаб нест, ки файласуф ва шоир Умари Хайём дар ситоиши кўзаро кўзафурўшҳо рубоифҳои хотирмонро гуфтааст.

Ин кўза чуман ошики зоре будааст,
Дар банди зулфи нигоре будааст.
В-ин дасте, ки дар гардани ў мебинӣ,
Дар банди зулфи нигоре будааст.

Бар кўзареге парер кардаме гузаре,
Аз хок ҳаменамад ҳардам ҳунаре.
Ман дидам, агар надидам ҳар бебасаре
Ҳоки падарон дар қафи ҳар кўзареге.

Дар қорғаҳи кўзаре расидам дўш,
Дидам ду ҳазор кўза гўёву хурўш.
Ноғаҳ, яке кўза баровард хурўш,
Ку кўзагару кўзахару кўзафурўш.

Ди кўзагаре бидидаме андар бозор,
Бар тозагӣ ҳамазад бисёр
В-он гил ба забони хол бо вай мегуфт,
Ман ҳам чу ту будам, маро ту неку дар.

Растаи дигарро намоишҳои либосҳои занона ва аҷномҳои арўсӣ зеб медрд, ки онро як гурўҳ гулдўхтарон ба шавқӣ тамои аз назар мегузарониданд. Ин наҳза муаллимаи забон ва адабиёти тоҷикии мактаби номбурда Насиба Пардақулова ба давраи ин гулдўхтарон омада, қашадидаъзиеро ки дар он гулу гиёҳо ва дарахти гулбасаре-ро, ки дўзанда бо як маҳорати воло рўи матоъ нақшакашӣ намуда буд, ба табассуми ширин иброз кард, ки арўс бо ин матоҳи хўшдўхт хонаи хешро оро меод. Пиразанҳо ба ин намунаҳои гулдўзи ма-ҳорату фаросати баланди арўс баҳо меоданд ва агар писадашон ояд, ба ў дуои нек гуфта, хушбахтиву иқболи баланд нисибна гар-

дад ва чун онҳо ба қамол пири расад, ба хонааш як доман духтару писар пургардад гўён дуои хайр мекард.

Ҳамин тариқ, пас аз тамошои намоишҳои либосҳои миллий, бо-зиҳои спортӣ ба қабилӣ шашқаву шахмат қувваозмонҳои ресмон-кашӣ, сангбардорӣ навбат ба садри маҷлис бирасид. Садри маҷлис - директори мактаби рақами 10-Зафар Ҳамроқулов лаҷомӣ суҳанро ба даст гирифта чунин иброз намуд:

—Ҳамдиёрони азизу гиромӣ, аҳли чамъомад, аввало ҳамаи шу-моро ба фарорасии иди Наврӯзи оламафрӯз, иди фитр табрику му-боракбод гуфта, ба кулли шумо, зиндагии пурнишот, қамоли умр, бахти нақў орзу дорам. Мардуми мо, Наврӯзи оламафрӯзро аз қадим-

СУРУДАҲОИ НАВРҶЗӢ ДАР ТАРАННУМИ ДӢСТӢ



мулайём чашн мегиранд. Дар мамлақати пахновармон беш аз 32 миллату элатҳо дар якҷоягӣ қору зиндагӣ мекунанд. Чанд рӯз қабл аз ин, дар саросари кишварамон ин идро чашн гирифта шуд. Ва ҳоло чун анъанҳои пешин ин ид 40-рӯз идому хоҳад ёфт. Воқеан, иди Наврӯз, иди ҳамаи миллатҳои Осиёи Марказист. Ба ҳамагон маъ-лум аст, ки ҷанд сол қабл аз ин равобити сокинони ҷумҳурии мо, дар ин минтақа хеле мушқил буд. Бо ташаббус ва сайёу қўшиши роҳбари кишварамон Шавкат Мирзиёев ва Имомалӣ Раҳмон раф-туои ин ду халқӣ ба ҳамдўст хеле осон гашт. Кунун ҳарду ин миллат равобити дўстӣ ва бародарии хешро боз ҳам мустаҳкам намуданд. Монеаҳои убури марзӣ хеле осон карда шуд. Ҳамагон ба тўю маъ-рақҳо, таҷлили идҳо бе майлон рафтуо доранд. Боиси хотир нишон аст, ки имрўз роҳбарони Ҷумҳурии Қирғизистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистон дар шаҳри Хўҷанд бостон бо ҳам вохўрда, ба як қатор созишномоҳо имзо гузошанд. Сарони давлатҳо дар таҷлили иди Наврўз иштирок намуда, табрикоту шодбодҳои халқҳои диёри хеш-ро ба сокинони ин шаҳри қўҳан расониданд. Тамошои ин тантанаҳо-ро қас дида беихтиёр ба дилаш суруру шодӣ чўш мезананд ва мис-раҳои шоири шаҳри тоҷик Мирзо Турсунзода ба ёд мерасад.

То тавони дўстонро гуммакун,
Дўстони меҳрубонро гуммакун.
Дар ҷаҳон бедўст будан мушқил аст,
Мушқил осон кункасонро гум макун.

Бо ҳамин минвол навбат ба суруду ракс расид. Даста-даста гул-дўхтарон шайқисарон дар ҳавои сурудҳои наврўзӣ ракс бозӣ кар-данд. Махсусан, ба ҳамагон сурудаҳои наврўзии хонандаи мактаби 10-Моҳруза Ёдибекова ба муҳлисон ва иштирокдорон писанд омад.

Он рӯз таҷлили наврўзӣ ва тараннуми ҳарфҳои дўстии халқҳо вурди забони ҳамагон гирдгардон гашт.

Нуралӣ РАҶАБ.

НАВРҶЗ БА КОМИ ДИЛ НИШОТ ОРАД

Банда форуғтаҳсили донишгоҳи дав-латии Тоҷикистон. Риштаи забон ва адабиёти тоҷикро ба итмом расонидам.

Солҳои зиёдаст, ки дар мактаби рақами 10-и деҳа қору фаёлиятӣ дорам. Чанде пеш ба нафақа баромадам. Гоҳҳо қас он рўзҳои ду-рахшонӣ бебозгашӣ қавониро ба ёд меорад. Дил меҳодад ба ин диёри хушбоду ҳаво сафар карда, ёру дўстони ҷониро дида, он аймак бе-бозгаштро, ки саҳифаҳои нотақор зиндагӣ буд, ба хотир меоварад. Хушбахтона, бо сайёу талоши роҳбари хирадманди мо — Шавкат Мирзиёев ин “садди ҷинӣ” битамом аз байн бурда шуд. Ҳар гоҳ он вохўриҳои Шавкат Мирзиёев ва Эмомалӣ Раҳмонро бубинам ҳазорҳо бор ба ҳарду ин мардон хирад аҳсан мегўям.

Чуноне ки аз рўзгори гузаштагонамон оға-ҳем, ин ду миллат асрҳо боз бо ҳам зиста, риш-таҳои дўстии хешро ба ҳам пайвастанд. Али-шер Навоӣ асоан, ки худ аз табори чағатой буд ва бо забони форсӣ таҳсил карда, бо ин забони ноё шер мегуфт. Бо ин забон девони ғазалиёт-таш, ки бо номи “Девони Фойи” маълуму маш-ҳур аст, дар байни шуарои он замон вурди забо-ноҳ буд. Ва чун навиштаҳои ғазалиётшаро ба устоди маънавии хеш Ҳазрати Ҷомӣ тақдим на-муд, устодаш хеле мамнун гашт. Дар аҷноми сўҳбат ба ў маслиҳат дод, ки агар ў бо забони чағатойӣ эҷод кунад, ҳеҷ ғазанде наёбад, дар ин қору пайқор. Навоӣ пас ин насихати устодаш даст

ҳамтоё дошт. Ба бисёр шоирон ва нависандаго-ни даври хеш қўмаки моддӣи хешро дарёф наме-дошт. Аз навиштаҳои муаррихон оғайи дорем, за-моне ки устодаш ин дунёи дунро рехлат мекунад, ў бошитобу бо итоб ҳамроҳи шоҳ - Хусайн Бойқаро ба хонаи ў расида, аз асп пойн шуда, ҳарду доду фиғонро ба сарқардошта, ба сари майит меоянд. Ҳамагон аз дидаи ин лаҳза ангушт ғазиди, дар банди тафаккур мемонанд, ки подшоҳи давр ва вазирӣ аъзам ба фаоти Ҳазрати Ҷомӣ чунин доду фиғон бардошта буданд, то кунун дар масири та-рихи адабиёт ин воқеа нақши намоеёне дорад. Бе-шубҳа, одамони он даври гузашта ба қадри илму маърифат мерасиданд, ба шоирон як ҷаҳон этиқо-ду эътимот дошанд, осори онҳоро хонда ба онҳо хайрчўй зоҳир менамуданд Қобли қайд аст, ки тим-соли дўстии ин ду халқӣ бузург дар замони ин абар-мардон илму маърифат оғоз гаштааст. Хушба-ҳтона, ин дарахти дўстии ин миллатҳо то ҳануз пой-дору устувор аст. Мо халқҳои Ўзбеку-тоҷик мада-ният ва фарҳанги муштарак дорем. Тўю сур ва азо-ҳоямон ба ҳам қаробати наздик доранд. Дар би-сёр манзилҳо як қабристон дорем, ки дар он за-мин тоҷику Ўзбек сар ба хок хоҳидаанд. Мо ин нишонаҳоро дар дигар миллатҳо намебинем.

Бубинед, иди Наврўзро тоҷикону Ўзбекон дар якҷоягӣ чашн мегиранд. Ман ҳамчун модар, ому-згор аз Худо илтиҷо дорам, ки ба ин дўстии мо чашми бад нарасад. Дўстии ин ду халқ абадӣ монад. Тантанае, ки ба ифтихори Наврўз ва дўстии халқҳо дар мактаби мо барпо гашт, намунаи ба-ланди гуфтаҳои болост. Дар ҳамин рўзи фарқун-да роҳбарони се давлат — Тоҷикистон, Ўзбекис-тон ва Қирғизистон дар Хўҷанд дар тантанаҳои



ба эҷоди шеъру ғазал ва достонҳои Ўзбекӣ шурў-намуд ва дар як муддати мадиде комёб шуд, дар ин ҷода. Бо ҳамин роҳандозии устоди хеш дар мулки шоирӣ маълуму машҳур гашт. Дар арсаи эҷод ҳар чиро ки ба нияти навиштан меогозид, аз устоди хеш фотеҳа гирифта, пасон ба эҷод даст мезад. Алишер Навоӣ дар пайравии усто-даш Ҳазрати Ҷомӣ ва Низомии Ганҷавӣ асарӣ панҷгона, яъне “Ҳамса” офарид, ки он дар пояи баланди ҳамсанависони шуарои даври он рўза ҷойгизин аст. Ў ҳамчун Вазирӣ аъзам дар дар бори Хусайн Бойқаро ба аҳли адаб тавачҷуи бе-

наврўзӣ иштирок намуда ба хурсандиву сурури сокинони ин диёр ҳамроҳ гашта, ба яқдигар хуш-бахтӣ, рўзгори нек, пиндори некро орзу мекунанд. Қас ин намоишҳои хушонаху дилҷўву дилпра-боро дида, яе байти Ҳофизии лисонулғайб ба ёдаш мерасад:

Дарахти дўстӣ биншон, ба коми дил ба бор орад,
Ниҳоли дўшмани баркан, ки ранҷи бешумор орад!
Насиба ПАРДАҚУЛОВА,
омўзгори мактаби рақами 10-и деҳаи Дарбанд.

2020 йилда ташкил этилган марказимизнинг асосий мақсад-вазифаси аждодларимиздан бизгача етиб келган ўз она тилимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизни сақлаб, келажак авлодга етказиш билан бирга ўзбек-тожик халқларининг азалий дўстлигини асраш ва миллатлараро тотувлики мустаҳкамлашдан иборат. Айни пайтда марказимизнинг қарийб қирқ фоиз аъзолари ўзбек миллатига мансуб биродарларимиздан иборат эканлигининг ўзиёқ миллий тотувлик ва қон-қариндошлигимиз белгиси дейиш мумкин. Хусусан, таниқли ижодкорлар Х.Чоршанбиев, Д.Йўлдошева, Т.Шукuroв, меҳнат ва жамоатчилик фахрийлари Х.Тошбоев, Ф.Ҳамдамов, П.Худойшукuroв, Э.Тўраев каби фахрий аъзоларимиз марказимиз фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантиришда ўз хиссаларини қўшиб, биз билан ҳамкорлик қилиб келаётганларидан миннатдормиз.

Биз марказимиз томонидан ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, семинарлар ва анжуманларда жамоат ташкилотлари, хусусан Республика маънавият маркази Бойсун туман бўлими, туман ҳокимлиги, туман ёшлар ташкилоти, таълим ва маданият-санъат муассасалари ҳамда туманимизда истиқомат қилиб келаётган барча миллатлар вакиллариини жалб қилиш, улар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жумладан, “Ўзбекистон — миллатлар дўстлиги диёри”, “Миллий қадриятларимиз — миллий бойлигимиз”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Дўстлик ва ҳамжиҳатлик улугланган юрт” ва бошқа мавзуларда ўтказилган тадбирларимизда қардош миллат вакиллари ҳамкорлигида боқий дўстлик, биродарлик, Ватан мадҳи мавзуларида дилимиз, қалбимиз ва орзу-ниятларимиз яқдил эканлигини намойиш этдик.

Таъкидлаш жоизки, туманимизнинг кўп миллатли аҳолиси орасида миллий тотувлики янада мустаҳкамлаш, турли тилларда ижод қилаётган маҳаллий ижодкорлар — шоир ва ёзувчилар, санъаткорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижод намуналарини тарғиб қилишга амалий кўмак бериш ҳамда марказимизни қўллаб-қувватлашда туман ҳокими Б.Шукuroвнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида эътирофга сазовор. Жумладан,

Истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан ишончли тарзда таъминлаш, аҳоли хонадонларида қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилишини ва энергия тежовчи технологиялар кенг жорий этилишини рағбатлантириш, ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг шаклланишини босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтказишни давом эттириш мақсадида “Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024-2025 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг босқичма-босқич ўзгариш графигига ўзгариштирилган ва қўшимча қилинган” қарори (194-сон, 31.03.2025 й) қабул қилинди.

ЭЛЕКТР УЧУН АРЗОНРОҚ МЕЪЁР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ



Қарорга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган 2024-2025 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг босқичма-босқич ўзгариш графигига ўзгариштирилган ва қўшимча қилинган. Унга кўра, ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг ошиши мuddати 1 апрелдан 1 майга кўчирилди. Шунингдек, 201 кВт соатдан 1000 кВт соатгача бўлган дифференциаллашган тариф бўйича истеъмол миқдори орасига янги миқдор киритилди, яъни 2025 йил 1 майдан истеъмолчилар 201 кВт. соатдан 500 кВт. соатгача бўлган янги миқдор оралиғида ҳар бир киловатт соат учун 800 сўмдан тўлайди. Маълумот учун аввалги тартибга кўра, 201 кВт. соатдан 1000 кВт. соатгача бўлган қисми учун 900 сўмдан ҳақ тўланган. Мисол учун, бир ойда ўртача 500 кВт. соат миқдоридида электр энергияси сарфлайдиган хонадон вакиллари бунинг учун 2025 йил 1 майгача 360 минг сўм тўлашган (200 кВт соат базавий норма учун 90 минг сўм, 201 кВт. соатдан 500 кВт. соат учун 270 минг сўм). Тариф ўзгаришларидан сўнг бир ойда ўртача 500 кВт. соат ток ишлатадиган хонадон бунинг учун 360 минг сўм тўлайди (200 кВт. соат базавий норма учун 120 минг сўм, 201 кВт. соатдан 500 кВт. соат учун 240 минг сўм). Яъни улар учун нарх ошаётгани йўқ. Бундан ташқари, 2026 йил 1 январдан электр энергияси ва табиий газ нархлари ҳар йили 1 майдан бир маротаба йиллик инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда 10 фоиздан юқори бўлмаган миқдорда индексация қилиб бoрилади. **Зокир ХАЙДАРОВ,** Бойсун туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

МАҚСАДИМИЗ – ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ



у кишининг қўллаб-қувватлашлари туфайли ўтган йилда таниқли хушовоз хонанда ҳамюртимиз Хайрулло Насриддинов “Тожикистон халқ артисти” ҳамда “Ўзбекистон маданият ва санъат фидокори” унвонларига сазовор бўлди. Яна бир юртдошимиз, Тожикистон Халқ ёзувчиси, Рўдакий номидаги давлат мукофоти совриндори Саттор Турсунни туғилиб ўсган юртида номини абадийлаштириш чора-тадбирлари олиб бoриляпти. Яратилаётган мана шундай шароитлар ва имкониятлардан келиб чиқиб, ўзбек ва тожик тилида ижод қилаётган бойсунлик ижодкорларни бирлаштириш, улар билан ижодий ҳамкорлик қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида “Бойсун чашмалари” ижодий Кенгашини тузишни ният қилганмиз. Бўлажак ижодий Кенгашининг вазифаси бойсунлик ижодкорларнинг ижодий намуналарини икки тилда чоп эттириш, юртимизнинг таниқли ижодкорлари билан туманимиз адабиётсеварларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш учун учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишдан иборат бўлади. Айни пайтда таниқли ижодкор-педагог Р.Шоҳимардоновнинг ҳикоя ва киссаларини икки тилда чоп эттириш устиди иш олиб бoрилмоқда. Шунингдек, тожик-ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида Тожикистон Республикасининг қўшни Хисор туманидаги ўзбек маданияти ва санъати маркази билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Куни-кеча муҳтарам Президентимизнинг қўшни Тожикистон Республикасига қилган сафарлари давомида икки дўст мамлакатлар ўртасидаги азалий биродарлик, ўзаро стратегик шерикчиликни янада мустаҳкамлашга қаратилган келишувлардан англаш мумкинки, бизнинг дўстлигимиз абадийдир ва бу дўстлик, биродарлик, айниқса, кейинги пайтларда дунёнинг турли минтақаларида рўй бeраётган ўзаро миллий, ирқий низолар, уруш ва келишмовчиликлар кучайиб бoраётган бугунги кунда янада муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Фаффор НОРБОЕВ, Бойсун тумани Тожик миллий-маърифат ва санъат маркази раҳбари.

KITOB — MA'NAVIYAT OYNASI

Muhtaram Prezidentimizning “Kitobsiz taraqqiyotga, yuksak ma'naviyatga erishib bo'lmaydi. Kitob o'qimagan odamingning ham, millatning ham kelajagi yo'q”, degan purma'no fikrlarini, nazarimda bugungi kunda har bir inson, ayniqsa, har bir yosh yigit-qiz xotiralarida muhrlashlari kerakdek. Kerak bo'lsa, ish joyingizda, uyingizda ko'zga tashlanib turadigan joyga ilib qo'ying bu yozuvlarni. Negaki, davlat rahbari aytayotgan bu ta'kidlar butun bir xalqning, millatning taqdiri, kelajagi, O'zbekiston atalmish jannatmakon yurtning ertasi kuni uchun aytilyapti.

Prezident barcha evrlishlarning, taraqqiyotning avvali kitobdan, deya barchamizga to'g'ri yo'l ko'rsatyaptilar. Ha, kitob bu ro'yi olamdagi inson yarata olgan, yaratayotgan barcha ma'jizalarning sarchashmasi. Yaxshi fazilatlar inson ongiga kitoblar orqali singdirilyapti. Asrlar davomida inson kitob bilan do'st tutinib, o'zini qiziqitirgan savollarga javob topgan, o'zi izlagan ma'jizalarga guvoh bo'lgan. Zero, kitoblar tarixdan so'zlaydi, kelajakka yo'l ko'rsatadi, yashashga o'rgatadi. Hayotda qoqilmasligimiz uchun suyanchiq, umr so'qmoqlarida to'g'ri yo'l topishimiz uchun mash'ala bo'ladi. U inson uchun latofat, nafasatda tengi yo'q, fisqu fasod, munofiqlikdan xoli bo'lgan sadoqatli hamrohdir.

Kasbimizning o'ziga xos jihatlaridan kelib chiqib, ba'zan kitobxonlar bilan suhbatlar, muloqotlar qilishga, ularning kitobga, hayotga bo'lgan munosabatlarini bilishga qiziqamiz. Mana shunday muloqotlar chog'ida kitobni doimo do'st tutgan, uni shunchaki

zamonasozlik, rasmiyatchilik uchun emas, balki haqiqatan ham kitob orqali dunyoni o'rganishga, bilim olishga intilish uchun mutolaa qilayotganlarni bir qarashdayoq anglab olasan kishi. Ularning muomala madaniyati, so'z odobi, jamoatchilik orasida o'zlarini tuta bilishlari, hamsuhbatini hurmat qila bilish darajasi boshqalardan ajralib turishini his qilasan. Ular misolida kitobning qudratiga, haqiqatan ham mo'jizaviyligiga qoyil qolasan.

Ba'zilar bolani kitob mutolaasiga erta jalb etish ularning ruhiyatiga ta'sir qilishidan xavotir olishadi. Bu holni, ayniqsa, farzandiga kitob o'qish madaniyatini o'rgatishga erinadigan beparvo otalardan ko'proq eshitamiz. Aslida bolani kitob o'qishga, kitobni sevishga qancha erta o'rgatsak, uning ma'naviy olamini shuncha tez boyitishga xizmat qilgan bo'lamiz. Mutaxassis olimlarning xulosasiga ko'ra inson miyasi shunchalik murakkab va tengsiz biologik qurilmaki, u qanchalik erta ma'naviy ma'lumotlarga ega bo'lsa shunchalik mustahkamlashadi. Aksincha, ma'naviy informatsiya, (u asosan kitob o'qish, bilim va ilm olish orqali jamlanadi) ma'lumoti cheklangan inson miyasi tafakkur qilishdan to'xtaydi. Tafakkurning, ongning ozuqasi bilimdir, deb aytilgan ibora ham aslida mana shunga ishora.

Bugungi kunda bizning Axborot-kutubxona markazimizda bolajonlarning kitob bilan do'st tutinishlari, kitob olamidani bilim javohirlarini terib, dunyoni ertaroq anglashlari uchun barcha shart-sharoitlar muhayyo qilingan. Ularga atalgan va ularga mos kitoblar fondi yildan-yil ko'payib



bormoqda. Biz mutaxassis-bibliograflar esa har qanday yoshdagi, xususan, bolajonlar uchun ham kitob mutolaasida hamkor bo'lish, yaqindan ko'mak berishga tayyormiz.

Shu o'rinda muhtaram ota-onalardan farzandlarining darsdan tashqarida bilim olishlari, xususan, kitob o'qishlariga e'tiborsiz bo'lmashliklarini so'rab qolardik. Zotan, farzandlarga bolalikdanoq kitob mutolaasini o'rgatishni qadriyat sifatida e'zozlab kelgan ajdodlarimizning o'lmas an'alarini davom ettirish sizni bizning vazifamiz hisoblanadi.

D.BOZOROVA, Boysun tuman Axborot-kutubxona markazining fondlarni to'ldirish, saqlash va ularga ishlov berish bo'limi mutaxassisi.

Ёқуб НОРСАИДОВ (Ёқуб ҚАНОАТ)

Ёқуб Норсаидов 1958 йил 2 мартда Бойсун тумани, Тўда қишлоғида туғилган. Тумандаги 1-мактабни 1975 йил битирган. 1975-1979-йилларда Термиз Давлат педагогика институтининг филология факультетидида тахсил олган. Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Ўзбекистон Республикаси “Халқ таълими аълочиси” нишони билан тақдирланган. “Ижодкор ўқитувчи” Республика танлови иштирокчиси. Шеърлари туман, вилоят, республика газеталарида чоп этиб келинмоқда. “Ойдин тунларда”, “Шайдолик”, “Кузак”, “Кўнгил кўшиқлари” шеърлий тўпламлари ҳамда “Тўда ва тўдаликлар” публицистик китоби нашр этилган. Шеърлари “Бойсунтоғ илҳомлари”, “Сурхондандур сирли сурурлар” ижодкорлар баъзидан ўрин олган.



БАХОРИН СОҒИНИБ

Кор тағида қотган чечакни қутиб, Осмондан мўлтираб боқар юлдузлар. Бекасман тўнимиз барин қайириб, Баҳорни соғиниб кутардик бизлар.

Оппоқ булутларга кўлимиз силкиб, Қийқириб қулардик, оқ эди ҳислар. Сўрида ўтириб, хаёлга чўмиб, Баҳорни соғиниб яшардик бизлар.

Ям-яшил кенгликлар ортидан қувлаб, Қуларди толпопук таққан шўх қизлар, Қулгисидан қаллик нағмасин излаб, Қизлар кўшигини тинглардик бизлар.

Оқизик ўйнардик нонлар оқизиб, Қандай гўзал эди, айтинг у кезлар. Болаликни нондай сувга оқизиб, Ўйнардик баҳордай соф эди диллар.

Сочларин хаёлан тортиб ўйнардик, Атлас кўйлаб қийган ой юзли қизлар. Камалак рангига уни меғзардик, Баҳордай мусаффо эди кўнгиллар.

Алвон лолаларин ҳадя этса қир, Ўзлари лоладай ёнардик қизлар. Севгисини биздан сақласа ҳам сир, Фoш этиб кўярди у фаттон кўзлар.

Ўзини самонинг бағрига отиб, Ерга шўнғир кўкда қушчалар. Қўзи, улоқлардан иргишлард ўйнаб, Баҳорга гўзаллик қўшарди улар.

Қурбақа путига шардозин боғлаб, Бакбақа тўлдириб айтса кўшиқлар. Ҳайрат-ла термулиб унга овуниб, Баҳор кўшигини тинглардик бизлар.

Турналар учганда кўкни тўлдириб, “Қур-ха-куу”, “қур-ха-куу” тутар овозлар. “Арғамчимни, гиламчи?” дердик қақириб, Баҳор кўшиқларини қуйлардик бизлар.

Чараклаб чиқарди гоҳ кўкка кўёш, Тўлғoқдан тўшарди тўшин булутлар. Заминни қопларди бир шаррос овоз, Ёмғир кўшиқларин қуйларди еллар.

Дунё яшиллик-ла безанган келин, Баҳордай очилган ойпопук қизлар. Бир гўзал фаслга эдик биз мафтун, Баҳорий ҳисларга асир кўнгиллар.

Дилкаш давраларда баҳорий суҳбат, Бу гўзал фаслдан шодланган диллар. Ўртига тилашар файзду барокат, Баҳорни соғинган соҳир кўнгиллар.

ТОҒ ЛОЛАСИ

Тоғ лоласи, ол лолами алвонмисан, Ошиқ кўнглин ол жоминга солганмисан. Айрилиқдан қутиб-қутиб толганмисан, Севмаганга кўнгил бериб қуйганмисан.

Лўппи юзинг айт нимадан қизаради, Сени кўргач барча ошиқ дил ёради, Нигоҳларинг тегма дея ёлворади, Ошиқларнинг озоридан безганмисан.

Икки баргинг кўш қокилга ишорами, Кўнглинг бутми ёки чиндан минг порами. Силанмаган сочинг бунда оворами, Кўнғир сочинг қаро ерга кўмганмисан?

Бағринг шундай қаромиди авваллари, Бевафони урмадимки уволлари, Тарқар, қара, тоғнинг қалин туманлари, Туман кетгач менга дардинг ёрармисан?

Лолажоним сенга кўпдир сўровларим, Муҳаббатга, муҳаббатга тўловларим, Сенга бўлсин тўй кўрмаган ўланларим, Ўланлардан қочиб қирга келганмисан?

Тоғ лоласи мен ҳам сенга кўнгил кўйдим, Сени сўйдим, сени сўйдим, Сен ҳам мени суйгаймисан.

СОҒИНДИМ

Ҳарир булутларни эмган қоялар, Қирларда яшнаган алвон болалар, Илеб улгурмаган салқин соялар, Мен сизни соғиндим, соғиндим жуда.

Милтираб оқувчи шаффоф бўлоқлар, Ўқсаққа элтувчи йўллар сўқмоқлар. Узанин ўзгартган асов ирмоқлар, Мен сизни соғиндим, соғиндим жуда.

Какликлар нағмаси, еллар шивири, Баҳорий ёмғирнинг жимир-жимири, Тунги гулханларнинг чисир-чисири, Мен сизни соғиндим, соғиндим жуда.

Боладай ҳайратли кўзларим билан, Нафис ва жилвали сўзларим билан, Боқира, мусаффо ҳисларим билан, Мен сизни соғиндим, соғиндим жуда.

БОЙСУНДА БАҲОР СУРУРИ



MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV

NAVBAATCHI:
Nodira JO'RAQULOVA.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 64622 Bahosi kelishilgan narxda. ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq. Bichimi A-2 Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰ Topshirildi - 16⁰⁰ Adadi : 1400 Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin. Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi. «BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy. Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59 e-mail: boysun@mail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta "Surxon tongi"va "Zarya Surxana" gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.